


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 29 сентябрь, № 196 (6890) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР НАМОЙИШИ

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазма мажмуида энергетика, ёритиш ускуналари ва энергия тежамкор технологияларнинг "UzEnergyExpo — 2017", қурилиш ҳамда пардозлаш материаллари, иситиш, вентиляция, сантехника тизими жиҳозларининг "UzStroyExpo — 2017" халқаро кўргазмалари давом этмоқда.*

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР





Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзбекэнерго", "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамиятлари, "Ўзмахсусмонтажқурилиш" компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида "IEG Uzbekistan" кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Энергетика иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда соҳа равнақига алоҳида эътибор қаратилиб, янги қувватлар фойдаланишга топширилаётгани, мавжудлари қайта реконструкция ва модернизация қилинаётгани республикамиз аҳолиси ҳамда саноат объектларини электр энергияси билан барқарор таъминлашга мустаҳкам замин яратаяпти.

Мазкур жараёнда ишлаб чиқаришда энергия сарфини камайтириш, тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни кенгайтиришга устувор аҳамият берилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Бинобарин, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу йўналишда аниқ вазифалар белгиланган.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, айни пайтда мазкур дастуриламал ҳужжатдан келиб чиқиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаяпти. Яқин беш йил мобайнида биргина гидроэнергетика йўналишида 42 та станция қуриш, 32 та ГЭСни модернизациялаш кўзда тутилгани бунга яққол мисол бўла олади. Шу каби аниқ чора-тадбирлар натижасида 2025 йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Бунга эришишда, айтиш мумкинки, анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "UzEnergyExpo" халқаро кўргазмаси муҳим роль ўйнайди, албатта. Нега деганда, унда маҳаллий ва хорижий компаниялар томонидан электр энергетикаси соҳаси учун энг замонавий ускуналар, технологиялар ҳамда хизматлар тақдим этилади. Бу галги форумда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш қурилмалари, тежамкор ускуналар, ёритиш жиҳозларига алоҳида аҳамият қаратилган. Масалан, "Akfa Lighting" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг хонадон, кўча ва саноат объектларини ёритишга мўлжалланган 200 хилдан ортиқ LED лампочкалари электр энергиясини 90 фоизгача тежаш имконини беради. Шу боис уларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

*Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи мазмундорлиги ва аҳамияти, биз яшаётган мураккаб даврнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олганлиги билан ажралиб турди. Хусусан, унда билдирилган ташаббусларнинг муҳимлиги ҳамда ўз вақтида илгари сурилганлиги БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш томонидан ҳам эътироф этилгани Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига чексиз фахр-ифтихор бағишлади.*

## Инсон қадри ҳамма нарсадан устун

Айниқса, бугунги кунда ёшлар масаласининг долзарблиги ва Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича илгари сурган таклифи ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Чунки ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб, мамлакатимизда навқирон авлодга беқиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Хусусан, 2016 йил 14 сентябрда имзоланган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун бунинг яққол далилидир. Унда ёшларга замонавий таълим олиш, уй-жой харид қилиш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий кафолатлар назарда тутилган.

Нутқда ёшлар муаммоларига етарли эътибор қаратмаслик халқаро терроризм ҳамда экстремизм таҳдидларининг ортишига олиб келиши муқаррарлиги алоҳида айтиб ўтилди. Зотан, дунё миқёсида халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизи бевосита жаҳолат билан уйғун бўлиб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, экстремистик фаолият ҳамда зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаганлар томонидан содир қилинмоқда. Шу маънода, барчанинг, аввало, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Президентимиз БМТ юксак минбаридан туриб, "Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад — "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган, оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат", дея барчанинг эътиборини мамлакатимизда изчил олиб борилаётган тизимли ислоҳотларга қаратди.

(Давоми 2-бетда).

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, қатор давлат органлари, жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирокида навбатдаги сайёр қабуллар ўтказилди.*

## Сайёр қабуллар эзгу ишларга йўл очмоқда

Ғузор, Шаҳрисабз, Чироқчи, Миришкор туманлари ҳамда Қарши шаҳрида кечган очиқ мулоқотларда одамларнинг дарду ташвишлари, таклиф-мулоҳазалари тингланиб, муаммоларни ҳал этиш учун амалий чора-тадбирлар белгиланди. Ўз навбатида, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётган камчиликларни аниқлаш, маҳаллий ҳокимликлар, давлат идоралари олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш имкони яратилди.

— Президентимизнинг халқ манфаатини таъминлаш, одамларни рози қилиш давлат идоралари фаолиятининг бош мезонига айланиши кераклиги ҳақидаги фикрлари кўнглимиздаги гап бўлди, — дейди Деҳқонобод туманининг Пахтачи маҳалласида яшовчи Норбой Жўраев. — Мана, бугун барча вазирлик ва давлат идоралари раҳбарлари биз, фуқароларнинг муаммолари билан шахсан танишаётгани ана шу тамойилнинг амалдаги ифодасидир. Илгари бундай раҳбар ҳамда мансабдор шахслар қабулига кириш учун қанча овораю сарсон бўлардик. Энди эса уларнинг ўзлари халқ ҳузурига келмоқда. Ушбу қабулда иштирок этишимнинг сабаби бор. Мен тадбиркорман. 2004 йилда қурилиш материаллари ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун зарур хом ашё — доломит ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдим. 2011 йилдан бошлаб бу соҳада лицензиясиз фаолият кўрсатиш тақиқланди. Мен лицензия олиш учун Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ҳужжатларни тақдим қилдим. Аммо 6 йилдирки, ушбу идора томонидан менга лицензия берилмаяпти. Натижада корхонам иши тўхтаб қолди. Халқ қабулхонасига мурожаатимдан кейин бу муаммо ижобий ҳал этиладиган бўлди. Адолатга, қонун устуворлигига ишончим ортди.

— Айрим тиббиёт ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли ярим йилдан буён сарсон бўлиб юрибман, — дейди Ғузор туманидаги Қўштепа қишлоғида яшовчи Улаш Расулов. — Фермер хўжалигида ишлардим, юрак касаллиги туфайли ишга чиқолмай қолдим. Ногиронликка ўтказиш ҳақида ёзган аризамни тегишли комиссия мутасаддилари қабул қилмади. Уларнинг ҳузурига қатнайвериб, соғлиғим баттар ёмонлашди. Фақатгина Халқ қабулхонаси ходимларининг аралашуви билан ногиронлик гуруҳига чиқиш тўғрисидаги аризам ўрганиладиган бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, Виртуал қабулхона ҳамда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этиш мумкин бўлган шикоятлардан иборат. Савол туғилади: одамларнинг ҳаловатини, хотиржамлигини ўғирлаётган мазкур ҳолатларга жойлардаги мутасаддилар эътиборсизлиги, тажрибасизлиги сабабми ёки халқдан узоқлашган мансабдорлар халққа хизмат қилиш ўз мажбурияти эканини унутиб қўяётганининг оқибатимикан бу?

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон ва Америка ишбилармонлари ҳамкорлигида янги босқич

*Америка Қўшма Штатларининг нафақат йирик, балки кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳам Ўзбекистонга инвестиция киритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Бунга мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 18 — 20 сентябрь кунлари Америка Қўшма Штатларига ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи катта туртки берди, десак, янглишмаймиз.*

*Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида мазкур тарихий ташриф мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, хусусан, 20 сентябрь куни Нью-Йоркда бўлиб ўтган Ўзбекистон — АҚШ бизнес форуми тафсилотлари муҳокама этилди.*

XALQARO PRESS KLUB

### Иқтисодиётда Ренессанс

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотиб, мамлакатимиздаги ҳамда хорижлик экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Қўчқоровнинг айтишича, ташриф давомида дунё ҳамжамияти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишди. Дунёда шундай амалиёт борки, қайси мамлакат сиёсий ёки иқтисодий ташаббуслар билан чиқаётган бўлса, БМТ ёхуд Америка бизнес доиралари минбаридан туриб жаҳон афкор оммасига ҳавола қилади.

Қайд этиш керакки, экспертлар, тадбиркорлар, дипломатлар Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий сиёсатни фаоллаштириш орқали минтақани жипслаштирувчи, иқтисодий тараққий топтирадиган локомотивга айланаётганини таъкидлашмоқда. Ўзбекистон шу йўл билан нафақат ўзининг, балки Марказий Осиёнинг иқтисодий фаровонлигига замин яратмоқда.

Мамлакатимиз делегацияси аъзоларининг маълум қилишича, Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори Кристин Лагард Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашувда юртимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотларни "Ўзбекистон Ренессанси", дея баҳолади. Дунёнинг энг йирик молия муассасаси раҳбари валюта ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрича, бу жараёнда иқтисодиётнинг базавий тармоқларини, жумладан, энергетика соҳасини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Америка — Ўзбекистон савдо палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда АҚШнинг йирик компаниялари вакиллари қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

## Эъзоз, эҳтиром, ғамхўрлик

туфайли юртимизда ўқитувчилик касби тобора улуғланмоқда

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 сентябрда имзоланган "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида ўзимнинг исм-шарифимни кўриб, жуда қувониб кетдим.*

ДИЛ СЎЗИ

Умумтаълим мактабида болаларга кимё фанидан дарс бераман. Ўқувчиларимнинг билимини янада ошириб бориш учун дарсни замонавий технологиялар воситасида олиб бориш, баҳолашнинг такомиллаштирилган рейтинг тизимидан фойдаланишга интиламан. Бундан ташқари, уларнинг эркин фикрлаши ва мустақил қарор қабул қилишига эътибор қаратаман. Чунки бундай ёндашув шогирдларимизнинг шахс сифатида шаклланиши ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишида жуда муҳим ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).


www.xs.uz



«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

- Янгиланаётган Ўзбекистоннинг эзгу ташаббуслари
- Халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими
- Мактаб қурган муаллим


## «Таълим ва мутахассислик»

Ёшлар ижод саройида бошланган шу номдаги халқаро кўргазмада йигит-қизлар ўзлари қизиққан соҳалар бўйича батафсил маълумот олишмоқда.

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларнинг кўплаб олий ўқув юртлари, чет тилларини ўқитиш марказлари, йирик корхоналар, бандликка кўмаклашиш марказлари иштирок этмоқда.*

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА



Кўргазманинг очилиш маросимида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Мазкур анжуман ҳам юртимиз ёшларининг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига кўмаклашиш, ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирга ташриф буюрганлар орасида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, уюшмаган ёшларни кўришимиз мумкин. Ташкилотчиларнинг билдиришича, шу кунгача бўлиб ўтган "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаларида 350 мингдан зиёд ўғил-қизлар фаол иштирок этган.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилги халқаро форумда мамлакатимизнинг 35 дан ортиқ олий ўқув юртлари, 40 дан зиёд ўқув марказлари, шунингдек, АҚШ, Германия, Россия, Франция, Латвия, Буюк Британия, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби қатор давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари, турли марказлар вакиллари, иш берувчилар қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

